

С. Ю. Турсунов, О. Салоҳиддинов,
Б. Қўлдошев

ШИФОКОР ДЕОНТОЛОГИЯСИ



Андижон – 2007

С. Ю. ТУРСУНОВ, О. САЛОХИДДИНОВ,
Б. ҚҰЛДОШЕВ

ШИФОКОР ДЕОНТОЛОГИЯСИ

АНДИЖОН-2007

**Ўзбекистон Республикаси Соғаниқни сақлаш вазирлиги
Андижон Давлат тиббиёт институти**

Муаллифлар:

1. Турсунов Сайфитдин Юнусович – ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири, Ўзбекистон республикаси фан арбоби профессор
2. Салоҳиддинов Одилжон – ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси, профессори
3. Қўлдошев Ботиржон – ИКП кафедрасининг асистенти

Тақризчи:

Т. З. Жумабоев – Ички касалликлар пропедевтикаси ва ВМОФ терапия кафедраси профессори

Ушбу рисола Андижон Давлат тиббиёт институтининг
илимий кенгаши қарорига асосан чоп этишга рухсат берилган

ШИФОКОР ДЕОНТОЛОГИЯСИ

Муайян одоб доирасида бўлиш, яхши одатларга ўрганиш, яхши ном қолдиришга интилиш инсоният пайдо бўлибдики, мавжуддир. Тарбия – жиддий, узоқ муддатли жараён. Таълим ва тарбия ўрта – сида ҳеч қачон узилиш бўлмаслиги керак. Таълим жараёнида ёшлар етарли тарбия олмоқлари, тарбия жараёни эса таълим билан тўлдириб борилиши керак.

Холбуки, чинакам таълимнинг моҳияти одамни одамийликка тай – ёрлашдан иборатдир. Чунки, инсон одамийликка хос мулохазалари, одоби, дунёқараши билан тирик мавжудотларнинг гултожиси бўлган.

Шу боис, Президентимиз И. А. Каримов "Биз соглом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак. Соглом киши деганда фақат жисмонан согломликни эмас, балки шарқона аҳлоқ – одоб ва умум – башарий тоғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз", деб кўп бора такрорлайдилар.

Дунёда мутахассисликлар кўп. Шулардан бири шифокорликдир. Ҳозирги шароит социал – иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиришни талаб ҳилмоқда. Бу эса инсон омилига бевосита борлиқдир. Инсон омили кишиларнинг аҳлоқи, одоби, маданияти, онглилиги, интизоми, меҳнатсеварлиги каби фазилатлари билан узвий борлиқдир.

Шифокор деонтологияси – шифокорнинг бурчи ва одоби ҳақидаги фан бўлиб, врачлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимларининг хатти – ҳаракатини белгилайдиган мафкуравий дастурлар амалидир.

Деонтология – юононча сўз бўлиб (*deon*) – бурч ва (*logos*) таълимот демакдир. Бу сўз ҳаётта XIX асрнинг бошларида инглиз файласуфи Иеремией Бентамон томонидан ҳар бир инсоннинг касбий бурчи ҳақидаги фан сифатида кириб келган.

Шифокор деонтологияси кенг фалсафий тушунча бўлиб, бир қанча йўналишлардан иборат:

1. Врачнинг бурчи ва одоби;
2. Врач ва бемор ўртасидаги муносабат;
3. Врач ва беморнинг қариндошлари, дўстлари ўртасидаги муносабат;
4. Врачнинг ҳамкаслари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабати;
5. Шифокорлик сирларини сақлаш;

6. Устоз ва шогирд муносабатлари ва х.к.

Юқорида сазаб ўтилган деонтология йўналишларини амалиётда тўгри жорий қилиниши – шифокорнинг онги, савияси, дунёқараши, билим мезони ва қайси жамиятда яшаёттанилиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Тиббиёт касби ўта мураккаб ва шу билан бирга олийжаноб касбдир. Уни эгаллайман деган инсон бир қанча одамийлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозимдир.

"Шифокор" – сўзининг ҳар бир ҳарфига ҳам ургу бериб кўрсак, бу касбга хос фазилатларни англаб етмоқ осондир.

Шифокор сўзининг "III" – ҳарфи ширинсуҳанликни, шижоаткорликни, шафқатлиликни билдиради.

Бир фозилдан: "Қайси фазилат – энг яхши фазилат саналади?", деб сўрасалар, у: "Кулар юзли, ширин сўзли, хушмуомлали бўлиш", деб жавоб берган экан. Шифокорда шу фазилатлар бўлмоги жуда зарур. Беморга энг биринчи даво, бу – ширин сўз. Унинг ўрнини бешисоб дори – дармонлар ҳам боса олмайди. Дейлик, унчалик оғир бўлмаган bemорга турили ишёнд бориларни бериб, ширин сўзимизни айтмадик. Шунда bemор, шифокор яхши сўз айтмаяпти, демак касалим оғирроқ экан шекилли, деган ҳаёлга бориши мумкин. Шу боис унда руҳий безовталаниш бошланиб, аҳволини ёмонлашиши эҳтимоли пайдо бўлади. Аксинча, оғир bemорга дориларни бериш билан бирга, ширин ва мулојим сўзлаб, кўнглини кўтарилса, унда хатто тиббиётта маълум бўлмаган ҳимоя кучлари ҳам ишга тушиб, уни тузалиб кетиши тезлашади.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий: "Шифокор, мулојим сўзли ва bemор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфеъл бўлмоги керак", деган. У шижоатли, шафқатли табибини Исо пайғамбарга ўхшатади. "Исонинг иши жонни даво билан танга киригиси бўлса, табибининг иши тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармаслиkdir. Бунда шифокорнинг юзи хаста кўнгилда севимлидир, сўзи эса, ҳасталарга шифодир", дейди.

Сўз билан чиндан ҳам жонга оро кириши, лекин беихтиёр оғиздан чиқсан қўпол, бемаъни сўз тузатиб бўлмайдиган даражада инсонга зиён келтириши мумкин.

Юрак хасталыгидан ўлиб қоламан шекилли, деб қўрқаётган, жуда серҳадик одамни бир тасаввур қилинг. Агар шифокор шу bemornинг юрагини эшитиб, бор йўғи бир хўрсаниб қўйса, бас, шундан кейин ўша bemorga ҳеч қандай доридармон наф бермаслиги мумкин.

Яна бу тўғрида, А. С. Пушкиннинг шахсий шифокори бир bemornи сўз билан ўлдириб қўйганини эслаш кифоядир. Шифокор жон бераётган А. С. Пушкин ёнидан эндигина уйига келган экан. Шу пайт уни бошқа бир bemornи кўриб қўйишга чақиришибди. У bemornи кўриб бўлгач, bemor аранг бошини кўтариб: "Айтингчи доктор, менда туза лишга умид борми, тузалиб қетармикинман?", деб сўрабди. "Ҳеч умид йўқ, деб жавоб бериби доктор. Нима бўлти ҳаммамиз ҳам бир куни ўламиз, отахон. Ана, Пушкиндан улуг шоир ҳам кўзини юмиб кета яптику, эшитаяпсизми? Пушкин – а! Сиз билан биз ҳам энди ўлиб кетаверсак бўлаверади". Шу сўздан сўнг bemor инграб, бошини ёстиққа ташлабди ва А. С. Пушкин билан бир кунда, деярли бир соатда вафот этган. Экан мазкур холда шифокор ўзини йўқотиб, шижаатли, шафқатли бўлиш ўрнига ўз бурчини бузган. Кўраяпсизми, халқимизнинг: "Сўз кулдиради, сўз ўлдиради", деган нақли бежиз эмас экан.

Аллома Абу Али ибн Сино "Шоир тилни амри бўлганидек, табиб баданинг шохидир. Табибнинг вазифаси хастани даволаш, у ким бўлишидан, қандай масҳабга, динга мансублигидан қатъий назар, ёшмиқари, эркакми – аёл, ўғилми – қиз, барибир касал – уни оёқда тургазиши, дардига шифо бериши, ўзгаларга бегона ёки хирс кўзи билан қарамаслиги, хаста қиз бўлса, ўз қизини, ўғил бўлса, ўз ўғлини, аёл бўласа ўз онасини, эркак бўлса ўз отаси, иниси, акасини кўраётгандек бўлиши шарт. Хастага ширин сўз, хушхулқ, кушмуомала билан ёндошмоги, унинг дардини ўзининг дарди деб билмоги, оғриса оғриб, йиглаб, инграса инграб даволаши керак. Аммо, сўкинса сўкинмаслиги, додласа доддамаслиги, ёмон кўнгилга бормаслиги керак", деган экан.

Шуни уяутмаслик керакки, шифокор ўзининг ширин каломи билан bemor билан биринчи мулоқотдан сўнг, унда согайиб кетишига ишонч, умид алмагларини ёқа олсагина у яхши шифокор бўла олади. Шу боис ҳам XVIII аср олимни Ф. Волтер: "Согайишга ишонч – яirim согайиш демакдир", деган бўлса, В. М. Бехтерев "Врач сухбатидан сўнг, bemor ўзини енгил ҳис қилмаса у врач эмас", деб уқтиради.

Шифокор сўзининг "И" ҳарфи илмли, ихлосли, иродали, ҳар ишда илғор, инсонпарвар, интизомли, иқтидорли бўлишни билдиради. Ши-

фокор шу ҳислатларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. У институтда олган билимини уни битиргандан сўнг ҳам доимо тўлдириб бориши керак. Ҳисоб – китобларга кўра, инсонлар ўртасида учрайдиган касалликларниң сони ўй мингдан, хасталик белгилари эса юз мингдан зиёд экан. Бундан ташқари ҳар йили дунёда касалликларга ҳарни минглаб янги дорилар ишлаб чиқарилади. Буларни шифокорлик пайтида турли адабиётлар, журналлар ва айрим бошқа манбаалардан фойдаланган ҳолда ўрганиб бориши керак.

Машҳур клиницист ва олим, академик В. Ҳ. Василенко ёш шифокорларга қаратади: "Шифокор одобилигининг асоси – чуқур билимдир. У бошқа ҳар қандай мутахассисдан фарқли ўлароқ, ўз соҳасининг энг сўнгти ютуқларидан хабардор бўлиши зарурдир. Масалан, яқиндагина адабиётда баён этилган касаликнинг кечиш хусусиятлари, янги диагностик усуллари, янги дори – дармонларидан бехабар қолиш – бемор сорани учун жиҳдий таъсир этувчи салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бизнинг ишимиизда лоқайдикка йўл қўйиб бўлмайди. Беморни хафа қилиш, ёш болани хафа қилиш билан тент", дейди.

Машҳур тиббиёт тарихчisi М. К. Кузьмин ўзининг 1978 йилда чоп этган "Тиббиёт тарихи" китобида талабаларниң "Врач қандай бўлиши керак", деган саволига берган бир нечта жавобларини келтиради. Жумладан, бир талаба: "Ўз касбини ҳақиқатдан севадиган, одамларга меҳр – муҳаббат қўйган, ҳар доим уларни ҳурсанд ва қувнаб туришларини истаган билимли кишиларгина врачлик фаолиятини танлайдилар", деган бўлса, бошқа бир талаба: "Билимли инсонларгина шифокор бўлишга ҳақли", деган экан.

Шифокор деонтологияси врачдан билимдонликни талааб қиласди. Шифокор билимсиз бўлишга ҳақиқиёт ўйқунашади. Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айбдир. Саводсиз, билимсиз шифокорни Алишер Навоий жаллоддан ҳам баттар ҳисоблайди. Чунки, жаллоқ гуноҳкорни ўлдиради, саводсиз шифокор эса ўз ҳатти – ҳаракати билан бегуноҳ инсонни ўлдиради.

Ўрта аср Шарқ тиббиётининг кўзга кўринган вакилларидан Абу Бакр Ар – Розийнинг таъкидлашича, шифокор даволаш билан банд бўлиб қолмасдан, тиббиётта оид адабиётларни ҳам ўқиб бориши керак. У: "Минглаб шифокорлар, эҳтимол, минг йилдирки тиббиётни такомиллаштириш устида меҳнат қилиб келганлар. Шунинг учун ҳам, уларни асарларини ўқиб, мазмунига тушуниб етишга интилган киши, минг йил давомида

беморларни даволаб келгандан кўра, ўзининг озгина умри давомида кўпроқ нарсани кашф этади", дейди. Буюк ҳаким фақат ўқиш эмас, балки ўқилган нарсани мушоҳада қилиш, танқидий баҳо бериш, булар натижа – сида йигилган билим, тажрибадан bemorларни даволаща фойдаланиш кераклигини ҳам таъкидлайди.

Хақиқий, ўз қасбини севган шифокор ҳар бир ишни ихлос билан бошлиб, ирова билан охирига етказади. Максим Горький: "Ирода барча дори – дармонлардан кўра кўпроқ наф беради", деган экан.

Демак, билимли шифокоргина эл ҳурматига сазовор бўла олади.

Шифокор сўзининг "Ф" ҳарфи фидойилик, фахм – фаросатликни билдиради. Инсоннинг табиати қизиқ. Одамлар борки, бироннинг гам ташвишини, бошига тушиб турган мусибатни кўриб, заррача ҳам пина – гини бузмайдилар. Лекин, баҳтимизга орамизда ўзгалар учун жонини фидо этётганлар ҳам кўп. Баҳтсизни қутқарай деб, ўзини сувга ташла – ганлар, ўтга урганилар озмунчами? Биронни дардини олай деб, ўлим билан юзма – юз келган шифокорларнинг фидойилклари ҳам ана шундай жасоратлардан асло қолишимайди.

Шифокор ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам даволашнинг имконият ва чораларини излаб топади. Фидойи шифокорда бирор касалликни юқтириб олиш хавфи ҳам, ўзига зарар этиш таҳликаси ҳам бўлмайди. Башариятни энг даҳшатли дардардан ҳолос этман деб, ўзларига касалликни юқтириб, вафот этган шифокорлар озмунчами?

Одесса шаҳрида врач – эпидемиолог С. С. Андреевский 1837 йили кўйдирги касаллигини ўзига юқтириб, бу касалликни юқумли эканлигини кўрсатиб берган. Профессор Г. Н. Минх тошма ва ҳайталама тиф касалликларини келиб чиқиш сабабларини ўрганмоқ мақсадида bemor қонини ўз териси остига юборган. Ўлат касаллиги бўйича мутахассис Д. К. Заболотний ва таниқли бактериолог И. А. Деминскийлар ўлат касаллигини ўрганиш жараёнида ўзларига ўпка ўлатини юқтириб, вафот этганлар.

Нобель мукофоти лауреати, япон олими Ночуги ҳам Африкада сариқ иситма касаллиги сабабини аниқлаш жараёнида бу касалликни ўзига юқтириб вафот этган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шифохонага тушиб қолган bemorни кўп холларда руҳи тушган бўлади. Уни сорайиб кетишга ишонч пайдо қилдириш тиббиёт ходимининг бурчиdir. Шундай қилиш керакки, bemor ҳар томондан ўзига гамхўрик қилинаётганлигининг шоҳиди бўлсин. Шифокорнинг очиқ чеҳраси – bemornинг согайиши демақdir.

"Врачлик касби – жасорат, бу касб фидаийликни, қалб ва фикр софлигини талаб қылади", деган экан А. П. Чехов.

Ҳар қандай шароитда ҳам бемор олдида туриш, ҳеч кимдан ва ҳеч қаңон үз ёрдамини аямаслик – фидаий шифокор табиатига хосдир.

Шифокор сўзининг "О" ҳарфи одоблийликни, оқиллийликни, олий – жанобликни билдиради. Ахлоқ маданияти – инсон маданиятининг тарки – бий ва ажралмас қисмидир. Унга одоб сақлаш қоидалари яъни, муомала ва мулозамат нормалари, хушмуомалалик, меҳнатда ва ҳаётда үз вақтини тартибга сола билиш, имо – ишора ва тана ҳаракати қоидаларига амал қилиш, сўрашгандага тўғри, равшан гапира олиш, үз фикрларини қисқа ва аниқ ифодалаш ва бошқалар киради.

Абу Али ибн Сино: "Ахлоқ – ҳар бир киши учун үз – үзини идора қи – лиш илмидир", деб таъриф берган.

Ҳадиси шарифда: "Сизлар одамларни молу – дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очиқ юз ва яхши ҳулқингиз билан мин – натдор қилишларингиз мумкин", дейилган бўлса, буюк аллома Абу Наср Фаробий: "Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсон – нинг барча хислатлари ахлоқ билан белгиланади", деган экан.

Инсондаги гўзаллик, табиат ато эттан гўзаликдан ташқари, энг яхши ҳулқ – атворни, энг яхши фазилатларни үзида мужассамлаштирган ода – мийликдир. Қадимги юонон табиблари томонидан тартибга солинган Гип – пократ қасамёдида: "Шифокор юксак ахлоқ заси бўлиши, қалби пок, виждони соф бўлиши керак", дейилган. Шу боис бўласа керак, ҳалқимиз – да: "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қишин" деган нақл юради.

Одамийлик илмини ҳаётдан ўрганмоқ лозим. Ҳулқи зебо, маданияти, фахмфаросатли инсонларнинг муомала маданиятининг, үзини одамлар орасида қандай тутиши ва одоб сақлашини, сўз талаффузини, умуман кишилар билан мулоқотда фойдаланаётган хилма – хил гўзал муомала во – ситаларини ўрганиш, улардан ижодий фойдаланиш керак.

Одобли инсонлар самимий ва олийжаноб бўладилар. Улар ўзларининг бутун кучлари, билимларини жамият учун, ҳалқ учун баҳшида этадилар. Одобли инсонларнинг ҳислатларидан яна бири хушмуомалаликдир. Хуш – муомалалик – атрофдаги барча кишиларни ҳурмат қилиш, уларнинг қи – лаётган барча ишларига ўнгайлик тудиришга интилишдир. Донолар айт – ганидек: "Хушмуомалаликдан улуғлик, ҳаноатдан роҳат, ихлосдан муҳаб – бат пайдо бўлади". Хушфөъл кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганда кўнгил – лар ёзилади, дард пайсал топади.

Шифокор ўзининг ноўрин хатти – ҳаракати, ўринсиз қилиги ва хулақи билан одамлар нафратига учраётган кишидан ўзи учун тегишли холоса чиқариб олиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, шифокор беморни ўргана бошлаган биринчи пайтлардаёқ, бемор ҳам шифокорни ўргана бошлади. Шифокор – нинг сўзлаган сўзидан, унинг одобидан, уни ҳандай инсон эканлигини, мартабасини билиб олса бўлади. Агар шифокор, бемор қалбидан жой ололса, унда бемор шифокорга исхос қўяди ва касалликка қарши курашида унинг иттифоқчисига айланади. Суҳбат чогида шифокор беморнинг ҳар бир сўзини, дикъат билан тинглаши, ундан ўзи учун керакли холосалар чиқара билиши лозим. Бемор сўзларига эътиборсизлик, ўзини алаҳситиб, турли ҳофозларни ёзib ўтириш, шифокор обрўсини туширади ва беморнинг унга бўлган ишончини йўқотади. Бу нарса беморда шифокорга нисбатан ҳурматсизлик ва аччигланиш кайфиятини тугдиради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, не – не умидлар билан шифокор хузурига келган бемор ўйқусизликдан шикоят қиласа – ю, шифокор болقا ишлар билан машгул бўлиб, унинг шикоятига эътибор бермай: "Тушингизда нима кўрьяпсиз?" деб турса, бемор бу шифокорнинг унинг дардига даво бўлишига ҳандай ишонсин. Ўйқусизликдан шикоят қилган инсон, ҳандай тушкўриши мумкин?

Беморлар кўригидаги уларга "бемор – бемор" демай, ая, опа, ака, ука, амаки, ота, каби сўзлар билан мурожаат қилган маъқул.

Синчковлик ва зийраклик ҳар ҳандай соҳадаги шифокор учун айириб бўлмас фазилатdir.

Шу ўринда Эрон ривоятларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиш.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино Хамадон шаҳрига борибди. Шаҳарда мусофирихона бўлмагани учун ҳамкасб табиблардан бирининг уйини топиб, кирибди. Табиб беморларни кўриб ўтирган экан.

- Сизда ишиб бор эди, – дебди Ибн Сино табиба.
- Беморларни жўннатиб юборай, кейин гаплашамиз, – дебди табиб.
- Абу Али Ибн Сино бир чеккага чиқиб, табибининг касал кўришини кузатиб ўтирибди. Табиб навбатда турган хотинни чақириб, томирини кўргач:
- Қатиқ ичибмидингиз? – деб сўрабди
- Ҳа, ичган эдим, – деб жавоб берибди хотин.

— Табибнинг бемор томирини ушлаб, қатиқ ичганини аниқлаши
Иbn Синони ҳайрон қолдирибди.

Табиб хотиннинг афтига қараб, саволни давом эттирибди:

— Уйларингизнинг эшиги кун чиқарга қараганми?

— Ҳа.

— Кечак хўрот палов еганмидинглар?

— Ҳа.

Табиб аллақандай дорилар бериб, хотинни жўнатиб юборибди. Бошқа
беморларни ҳам худди шу алфозда кўрибди.

Абу Али Ибн Сино табибнинг билимига қойил қолибди.

Беморларнинг ҳаммасини жўнатиб юборгач, табиб Абу Али Ибн Синога:

— Қани меҳмон, энди гаплашайлик. Хўш, хизмат? — дебди.

— Абу Али Ибн Сино табибнинг ёнига ўтиаркан, катта бир китобга
кўзи тушибди, биринчи саҳифасини очиб қараб:

— Бу китоб "Ал-қонун" — ку, — дебди.

— Сиз Абу Али Ибн Синомисиз? — саволга савол билан жавоб қилибди
табиб.

Абу Али Ибн Синонинг ҳайрати зиёда бўлибди. Бир нафас сукут қилиб
ўтиргандан кейин, табибга дебди:

— Сизнинг табобатдаги маҳоратингиз мени қойил қолдириди. Бемор
томирини ушлаб, унинг қатиқ ичганини қандай билиш мумкинлигига
аҳдим бовар қиласаиди.

— Бу ерда ҳайрон қоладиган ҳеч гап йўқ, — дебди табиб, — қарасам, хотин —
нинг енгига қатиқ томган экан. Шунга қараб "Қатиқ ичтанимидингиз?", — деб
сўради. У "Ҳа, ичган эдим", деди. Талаффузидан маълум бўлди, у яхудий
екан. Шаҳримиздан барча яхудийларнинг эшиклари кун чиқар то-
монга қараган бўлади. Бу саволим ҳам тасдиқлангандан кейин, уни маҳал-
лий яхудий эканлигига тўла қаноат ҳосил қилдим. Уларнинг ҳаммасини шанба
куни хўрот палов ейиши маълум. Беморга руҳан таъсиримни ўтказгач, унга
арзимаган бир дорини бериб юбордим. Бунинг учун унча катта табиб бў-
лишнинг хожати йўқ, албатта.

Абу Али Ибн Сино кулиб туриб:

— Хўш менинг Абу Али Ибн Сино эканимни қаёқдан билдингиз? — деб
сўрабди.

— Мана бу китобни сотиб олганимга анча вақт бўлди, — дебди табиб —
уни менга табобатдан таълимот деган эдилар, лекин араб тилида
ёзилгани учун тишшим ўтмади. Китобни бир қарашдаёқ таниган инсон уни

ёзган кишининг ўзи бўлса керак, деган тусмол билан "Сиз Абу Али Ибн Синомисиз? – деб сўрадим", деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми, синчковлик, зийраклик бу табибга қанча муваффақият олиб келди, беморни унга нисбатан иҳлоси ошди. Шифокорга иҳлос бор жойда, беморга шифо осон топилади.

Шифокер сўзишинг "К" ҳарфи камтарликни билдиради. Камтарлик шифокорга хос хислатдир. Камтар шахс бошқалардан ўзини устун қўймай – ди, ўзига бино қўйиб, сохта шуҳрат кетидан қувмайди, мақтанчоқлик қила майди, ютуқларидан эсанкирамайди, мағлубиятдан эса ўзини йўқотмайди.

Бир дошишмандан: "Қандай қилиб илманинг энг юқори чўққасига чиқдинг?" деб сўрасалар, у: "Билмаган, тушуниаган нарсанин олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида улмадим, номус қилмадим, ўзимни юқори тутиб, такаббурлик қилмадим", деган экан.

Инсоннинг камтарлиги шинхона бўлади, тилда айтилмайди, балки инсонлар билан муомалада, хатти – ҳаракатда намоён бўлади. Камтарликни ўзига пеша қилган одам ҳалқ ҳурматига сазовор, баҳт – саодат унга доим ёр бўлади. Камтарликни ўзига "либос" қилиб олган инсонлар ҳётдаги энг яхши, соғ виждонли кишилар бўлиб, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай лавозимда тўгри ва ҳаққоний йўл тутадилар, тўгри сўзлаб, тўгри юрадилар, олийжанобраҳм – шафқатли бўладилар, ҳамма ишни саранжом – саришта бажарадилар, ёлгон – яширикъа йўл қўймайдилар.

Такаббурлик шифокорга ёт фазилатдир. Шу ўринда Сиз азиз ўқувчи, қўйидаги ривоятга бир зътибор беринг – а:

Фалакнинг гардиши билан стол устида керосин лампа электр лампа билан учрашиб қолишибди. Керосин лампа кўп умр кўрган, электр лампа эса унга нисбатан жуда ёш экан. Бекор турмай, улар ўзаро сухбат бошлишибди.

– Яша ўғлим. Доимо соғ – саломат бўл! – дебди Керосин лампа электр ламшага қараб.

– Раҳмат! Фақат марра бизники, ота! Шундай змасми? – деб Такаб – бурона жавоб бериби лампа.

– Албатта, марра сеники, ўғлим, лекин масала шундаки, аввало, мар – ра абадий ҳодиса змас, балки саноқсиз, кўп мэрралардан иборат. Шунинг учун гафлатда қолма.

– Мана, сиз қариб қолдингиз, мен эса сизнинг мэррангиздан ўтиб кетдим, шунинг ўзи мен учун ютуқ.

– Кеккайма, ўғлим! Одоб ва камтарликни унумта! Агар ҳақиқатни билишни истасанг, мэррадан ўтишинга мен замин тайёрлаб берган

эдим, буни унуганга ўшайсан. Ўз вақтида менинг ёргумда не-не олимлар, улуг зотлар ижод этгандар. Демак, сенинг эришган мұваффақиятингда билиб қўйки, менинг ҳам ҳиссам бор!

—Ажабо, худди шу пайт кучланиш пасайиб, ярқираб турған электр лампанинг симлари қизариб қолибди. Шундай бўлсада, керосин лампа синиқлик, камтарлик билан, уни ҳижолатдан чиқаришта ҳаракат қилиб, дебди: — Баракалла, бу қизаришинг, сенда ҳаё борлигидан далолат беради. Бу — яхши фазилат!

— Раҳмат ота!

— Иккинчи томондан, ёшлик гурури сендаги шиддат ва қувватдан гувоҳлик бермоқда. Агар бу қувватни тўғри, оқилона сарф қилсанг, шубҳасиз, ажойиб ютуқларга эришасан. Акс холда, бутунлай куйиб, ишга яроқсиз бўлиб қолганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан, ўғлим.

Ибратли ҳикоя, шундай эмасми? Ҳаётнинг сабоқлари гоят даражада ҳикматли, бебаҳо, қонунлари эса мураккабдир. Ҳолбуки, буни бъзи кимсалар енгилтаклик билан ечмоқчи бўладилар.

Минглаб йиллар давомида ҳаётда синалган ҳалол меҳнат йўли тургани холда бълизилар нотўғри ҳаракатлар ила "муваффақият" қозонмоқча уринадилар. "Муваффақият" қозонганилар оғушида такаббурлик хасталиги — ни юқтириб, дўст — душманнинг, яхши — ёмоннинг фарқига бормай қўядилар. Шубҳа йўқки, эрта ёки кеч бундай баландпарвоз тушунчалар совун кўпигидай йўқ, бўлиб кетади.

Шарқ дошишмандларидан бири: "Ҳар кишининг бўйнида иккита занжир бўлур. Кимки камтар бўлса, юқоридаги занжир тортилур. Бундай одам халқ ичиди улуг ва азиз бўлур. Кимда — ким такаббурликни одат қилса, пастки занжир тортилур ва ундан инсон эл орасида хор ва беътибор бўлур", деган экан. Демак, камтарона, ҳалол меҳнат билангина эл ҳурматини қозониш мумкин.

Шифокор сўзининг "О" ҳарфи орасталикни, озодаликни билдиради. Беморни ўраб турған мухит — палата шинам ва осойиштада бўлиши керак. Шифокор эгнидаги озода, дазмолланган халат ва қалпоқча, ораста кийиниш bemorda яхши кайфият пайдо қилдиради ва ўзи даволанаётган жойга нисбатан ҳурмати ошади.

Шифокор ўз вазифасини бажараётган пайтда ҳеч қандай сунъийликка ва ясан — тусанга зеб бериши керак эмас. Зоро bemor шифокордан зебу зийнат эмас, балки дардига даво кутади, холос. Эркак ҳам, аёл ҳам ўзига хос кийингани маъқул.

Биз кийиниш борасидаги тараққиётта асло қарши эмасмиз. Лекин кийиниш ҳам миллий мағкурамизнинг ажралмас бир бўлаги эканлигини унтишга ҳаққимиз йўқ.

Окирги пайтлаарда йигит-қизларимизнинг кийиниш эркинлиси, маъсуллияти ва маданияти ҳақида кўп гапирилмоқда. Чунки кундан-кунга айриме шларимизнинг ярим ялонгоч, докаданда майнин, тор, йиртиқ, кийимларда юриш, хуласа кийиниш маданиятини аянчли тус олаётганлигининг гувоҳи бўлашмиз.

Агар инсон ўз уйида юрган бўлса, унинг қандай кийиниши шахсий иши, кўча-кўйда қандай кийиниб юриши эса - бу ижтимоий, маънавий масаладир.

Аммо дононоларимиз: "Кийиниш эркинлиги - бу олий қадрият, бироқ ахлоқ доирасидан четта чиқадиган хар қандай эркинлик - ахлоқсизликдир", дейишади.

Шахс либоси орқали атрофдагиларга ўзи ҳақида маълумот тарқатади. Бунга бальзилар эътибор бермасалар ҳам керак. Қиз - аёлнинг баданларини ёпиб юриши бир маънони, очиқ - сочиқ юриши эса бошқа бир маънони англатади.

Ўзбек миллатида ўзига хос "Ҳаё" тушунчаси бор. "Ҳаё - бу одамийликнинг ўзаги" дейишган. Шу ўринда бир ривоятни эслатиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Бир ўзбек аёлинин маълум айби учун қатла қиммоқчи бўладилар. Уни қатла олиб кетмоқчи бўлиб киргандаридан, у миришаблардан игна-иш сўрайди. Миришабнинг "нима учун?" - деган саволига, кўйлагининг бир жойи йиртилганини ва уни тикиб олмоқчилитини айтади. Шунда миришаб: "Сени қатла олиб кетяпмизку, уни тикишингдан не фойда", - деган саволига, у аёл: "Мен ўзбек аёлниман, ўлимга кетаёттан бўлсан ҳам танамнинг бирор жойини ёт кимсаларга кўрсатмай, ҳаёни йўқотмаган холда ўлишим керак" - деб жавоб берган экан.

Кўрдингизми аждодларимиз авваллари ҳаёни, одоб-ахлоқимизни қандай эъзозлашган.

Қизларимизнинг очиқ - сочиқ кийиниб юришлари нафақат маънавият масаласи, балки миллат генофонига таъсири бор масала ҳамдир.

Жинслараро муносабатларни ўрганувчи мутахассислар (сексопатологлар) фикрича, қизларимизнинг бундай кийиниб юришлари уларга нигоҳ соглан йигитларимизнинг жисмоний саломатлигига, таъсирчанликларига зарар етказар экан. Натижада янги турмуш қурган айрим оиласарда нохуш холлар юзага келиб, уларнинг турмушлари эрта бузилиб кетиш холлари кузатилар экан.

Енгил - елши, таъбир жоиз бўлса ярим - ялонгоч либос (тор, тиззаси йиртиқ шимлар, калта юбкалар ва қандайдир "антика" кийимлар - тури

суратлар, ажнабий ёзувлар акс этган футболка ва х.клар) кийиб олганлар ҳар бир хатти ҳаракатида кимнинг авлодлари эканлигини, аждодлари мада – ният борасида жаҳон тамаддунига қандай ҳисса қўшганини унутмасликлари керак. Бугун хориждан келаётган сайёҳлар фақат музейлардаги миллий либосларимизни кўришга эмас, балки қадимий урф – одатлар, асрлар сино – видан ўтган кийиниш маданиятимиз бугунги ёшлиаримизда ҳай даражада давом этаётганлигига ҳам алоҳида зътибор қаратаётганликларини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Президентимиз И. А. Каримов: "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ёшлар ҳаёти, маънавияти, жумладан кийиниш маданияти ҳақида сўзлаб: "Кийим танлаш ва кийинишда ёшлиаримиз миллий турмуш тарзимизга, Ўзбекистон шароитига, иқлимига мос жиҳатларини инобатта олишса, фойдадан холи бўлмайди" деган эдилар. Кийинишга бефарқ қараш – бу маданиятсизликдир.

Шу боис, неча асрлар давомида ҳар қандай тайзиқлар остида бўлса ҳам асраб келинган миллий қадрияларимиз, ахлоқ – одобимиз, шарму – ҳаёмизни соғлиги учун курашишга барчамиз: ота – оналар ҳам, ёшу – қарилар ҳам, устоз, тарбиячилар ҳам, маҳелла фаоллари ҳам масъулмиз. Ҳаммамиз ўз бурчимизни тўғри англаган ҳолда ҳаракат қўимофимиз лозим. Бу масалага лоқайдлик қилиб бўлмайди.

Шифохонадаги ҳар хил ёзувлар, алвонлар, ҳикматли сўзлар бемор руҳиятига катта таъсир қилишини ҳам унутмаслик керак. Бу борада бир воқеани эслатиши лозим топдик. Ҳамадон шаҳрида Абу Али ибн Сино ташаббуси билан bemorлар даволанадиган жой қурилади. У қурилиб бўлгач, Ҳамадон шаҳри хокими Шамс ал – Давл уни "Касалхона" деб номлаймиз, дебди. Шунда Абу Али Ибн Сино мулоимлик билан зътиroz билдириб: "Касалхона" сўзи bemorларни бу ерда ётиб, тузалишига салбий таъсир кўрсатади. Уни "Шифохона" деб атасак, bemorларда шу ердан шифо топиб кетаман деган ишонч пайдо бўлади, бу хол bemorларни тезда даволанишига имкон яратади", деб ўз таклифига хокимни ишонтира олган экан ва шундан кейин бу қурилишга "Шифохона" номи берилган экан.

Кўрдингизми, неча минг йиллар аввал ҳам bemorлар қалбига озор бермасликка, унинг руҳиятини кўтаришга ҳаракат қилинган экан.

Шифокор сўзининг "Р" ҳарфи раҳмдилликни, меҳр – шафқатли бўлишини, росттўйликни, режа асосида иш кўришиликни билдиради. Бу сифатлар шифокорда бўлмоғи лозим.

Шуларга амал қиласан ҳолда, шифокорларимизнинг кўпчилиги ўзлари – нинг чуқур билимлари, ҳалол меҳнатлари билан эл оғзига тушиб, уларнинг ҳурматларига сазовор бўлаётганликларини кўриб қувонасан киши. Лекин шу

билан бирга айрим шифокорларнинг беморлар дардини тұлақонлы әзитмай, улар билан яхши мұомалада бўлмай, шошма – шошарликка йўл қўйиб, уларни текширишга етарли вакт топмай, улар ишончни қозона олмаёттаникликтарини гувоҳи ҳам бўлмоқдамиз. Натижада рўзнома ва ойнома саҳифаларида айрим шифокорларни айбловчи мақолаларни ўқиб қоламиз. Биз ўйлаймизки, бу шифокорларда касбга садоқат, фидойилик, сабр – тоқатлилик каби фазилатлар етишмайди. Уларда шифокорнинг ҳар бир қабулида, ҳар бир ёзувида, инсон ҳаёти, унинг оила аъзолари, қариндош уруғларининг ғам – ташвишлари турганлигини хисси кўринмайди.

Юқоридаги шифокорга хос ижобий фазилатлар ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари [ҳамширалар ва энагалар] учун ҳам тегишилдири. Чунки улар беморларни даволашда шифокорнинг асосий ёрдамчилари.

Ҳамшира ўзининг бутун иш күнини беморлар ўртасида ўтказади. Энг қийин ва оғир шароитларда у шифокор билан ёнма – ён туради, шунинг учун ҳам бемор ҳаётини асрраб қолишида, даволашда унинг ҳиссаси шифокорнидан кам бўлмайди. Ҳамшира хушмуомала бўлиши, шошмай ва ховлиқмай ишлаши лозим. Уни беморлар билан тури мавзуларда сух – батлашишига тўғри келади. Шу боис, ҳамширанинг маданий сависи, нутқи, дунёқараши, билими катта аҳамият касб этади. Ҳамширалар тўғри осуда ва уччалик сезиларсиз кундалик меҳнатлари билан чинакам жасорат кўрсатадилар.

Бемор шифохонада даволанибгина қолмай, парваришига ҳам мухтож бўлади. Худди шу парваришида энагалар хизмати бекиёсdir. Улар ҳам кун да – вомида беморлар орасида бўлади. Уларниң бажарадиган вазифалари хилман – хил: беморларга ҳарашиб, уларни жойлаштириш, ўрин – кўрпасини тузатиш, кийим – бошини алмаштириб туриш, тувак тутиш, грелкаларни, муз солинган резина ҳалталарни тайёрлаб бериш, хонани йигиштириб, уни озода сақлаш, ҳавосини алмаштириш, беморларга овқат тарқатиш ва ҳоказо. Энага тиббиётнинг баъзи бир масалаларида бошлангич маълумотта эга бўлиши, кези келганда, bemor оғир бўлиб қолганда (бахтсизлик юз берганда) у биринчи тиббий ёрдамни кўрсата олиши зарур. У беморнинг руҳий холатини яхши тушуниши, bemorga нисоатан меҳрибон ва хайриҳоҳ бўлиши лозим.

Бизнинг техника ва автоматика асримизда баъзи бир мураккаб бўлмаган электр асбоблар, аппаратларни назарда туттанды энага техник жихатдан ҳам саводли бўлиши керак. Умуман олганда, ҳозирги кунда энагаларни кичик тиббиёт ҳамшираси деб аташ керак, деганилари мутлақо тўғри.

Шифокор, ҳамшира, энаганинг беморларни даволашда аҳиллик, яқдиялик билан қўйган ишлари, бу жуда катта кучдир. Шифокорнинг ҳамшира ва

знагага берадиган ҳар қандай танбехи бемор ёки унинг ҳариндошлари олдида юз беришига асло йўл қўймаслик керак. Камчиликларни бартараф қилиш хусусида ўзаро ҳурматни сақлай билиш лозим. Ўзаро ҳурмат, бирбирини тушуна билиш, ҳушмуомадалик бутун жамоага сингиб кетиши зарур. Ана шундагина ҳар бир шифокор, ҳамшира ёки энага ўз қалбининг нақадар бой эканлигини англаб етади.

Шу ўринда шифокор деонтологияси муаммоларидан бири бўлган – "Ятрогения" ҳақида сўз юритмоқ жоиздир. Ятрогения – бу врачнинг ёки ўрта ва кичик тиббиёт ходимининг ишнуд сұхбати, ножоя кўрсатмалари, қўйол ҳатти – ҳаракатлари, билимсизлиги, лоқайдиги ёки бир ёмон сўз билан беморда пайдо бўладиган янги касалликдир. Бу ҳолат тиббиёт ходимлари ичидаги ўз деонтологик бурчмарини тўла тушуниб етмайдиганлар борлигидан далолат беради. Бундайлар врачлик шаънига дот тусирадилар. Шунда беморларнинг тиббиёт ҳодимларидан ишончи қочиб, дардларига давони бошқа, тиббиётдан бехабар инсонлардан ахтаришга тушадилар.

Шу ўринда В. А. Гарацкийнинг: "Бемор ҳузурида гашлар тугатилиб, кулгига чек қўйилиши керак, негаки бу ерда хасталик ҳукмронлик қиласи", деган ҳикматни эслаб қўйиш керак.

Юлгичлик, порахўрлик, таъмагирлик каби хислатлар шифокорлик деонтологиясига мутлақ зиддир.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, тиббиётта техника дадил кириб келаётган бир пайтда йирик олимларимиз, академиклар И. А. Кассирский, Е. И. Чазов, Н. Н. Блохин, И. К. Шхвацабая кабилар ўзларининг турли йигилиш ва илмий мунозаралари даврасида, матбуотдаги чиқишларида тиббиётнинг инсонпарварлик принципларини асраб – авайлаб саҳлаш кераклиги, унда техницизмнинг устун келишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирадилар.

Тиббиётнинг техник тараққий этишига ҳаракат қилиш зарур албатта, бироқ, бунда шифокорнинг энг қимматбаҳо сифатлари – кишиларга меҳрибонлик, очиқ юзлилиқ, одамийлик кабиларни йўқча чиқариб юбормаслиги – миз лозим. Нечоғлик техник қуролманинг қарамай тиббиёт инсонлар билан шугу́лланишдан қайтмайди.

Зеро, багъзан шифокорлар текширишнинг мураккаб диагностик усулларига беришиб кетадилар, учалик аҳамияти бўлмаган касалликларни ҳам кенгроқ түширишга киришиб кетадилар ва бемор билан мuloқотда бўлишсанъати да узоқлашадилар. Улар текширувлар фақаттана bemornинг манфаати учун хизмат қилиши кераклигини унугиб қўйишади, натижада керак

булмаган бир вақтда бир қанча таҳмил қозозлари ва бошқа күплаб маълу – мотлар түпланиб қолади.

Бу текширувларни тавсия этган шифокор, маълум бир режа асосида иш кўрмаганлиги ва ҳатто натижаларни ўрганиб чиқишга ҳам ҳаракат қиласланлиги ўз – ўзидан аён бўлади қўяди.

Тиббиёт амалиётида лабаратория, техника усуllibарининг ягона хукмрон бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Шифокор энг тараққий этган диагностика техникасидан фойдалантган тақдирда ҳам, bemorning шахсини ўрганиши, uning taшвишлари, хис – ха – яжони, руҳий хусусиятларини ўзига олиши зарур. Беморга самимий муно – сабатда бўлиш, кўнгилни кўтарувчи бир иккى оғиз сўз, соғайишга ишонч уйғотиш – булар ҳаммаси ҳозирги кунда даволаш – профилактик воситалари хазинасидан ўрин олиб келиши керак.

Эрамизнинг V асрида ижод қилган юони ҳакими Гиппократ (Сүкрот) ўша даврлардаёқ: "Қаерда инсонлар севилса, ўша ерда тиббиёт санъати ардоқланади" деганлиги ҳам бежиз эмасdir.

Гиппократ: "Шифокор тиббиётта донишмандликни олиб кириши, файла – суф бўлиши лозим. Файласуф ҳам, шифокор ҳам ҳалоллик, номуслилк, ях – ши ном, кўнгил хотиржамлиги, бамаъни нутқ, амалий ҳаётда керакли ва фойдали нарсаларни билиш, улуг қалб згаси бўлиш каби ҳислатларга эта бў – лиши керак", деб таъкидлайди.

Шифокорлик касби – жуда улуг, инсонпарвар касб. Инсонни касб эмас, балки инсон касбни гўзал қиласди. Оқ ҳалат – бурчга садоқат, бегубор фикр, доимо ёрдамга тайёр туриш ифодасидир.

Қадимий хинд манбааларида шифокорларга нисбатан қаттиқ талаблар кўйилган. Шифокор дўстларига ва ҳатто душманларига нисбатан ҳам ҳақдо – ний бўлиши, оиласи вирни мұқаддас билиб, тилини тия билиши керак.

Киши ота – онаси, дўсти, устози олдида қўрқиши мумкин. Лекин у ши – фокор ҳузурига борганида ҳеч қандай хавф – хатарни сезмаслиги керак. Зоро, шифокор bemorга ўзининг ота – онаси, дўсти ва устозидан кўра меҳр ва диққат – зътибор билан қараши керак. Ҳаким bemorлар учун – ота, соғлом кишиларга дўст, bemor дардан ҳалос бўлиб, саломатлиги тикланга – нида эса, у – посбондир. Яхши шифокор бўлиш – хато қиласликда эмас, балки ўз хатосига жиiddий ёндошиб, уни бўйнига олишда ва тузা – тишдадир.

Кўпинча ёш шифокорлар bemorni тарбиялаш ўз вазифаларига кири – шини унугтиб қўядилар. Bemorni нотўғри ҳаёт кечириш тарзини ўзгартириш кераклигига, зарарли одатлардан воз кечишга ишонтириш, муттасил равишда,

охиста даволаниш мумкинлигига ишонтириш, ўз – ўзини даволаш ҳаракатларидан воз кечтириш – бу касалликка қарши курашда беморнинг ўзининг фаол ёрдамчиси, иттифоқчисига айлантиromoқ демакдир.

Тиббиётни ўқиб ўрганиш осон эмас. Шунинг учун ҳам бу соҳани тан – лаган ҳар бир инсон тиришқоқлиги билан уни муттасил равишда згаллайди. Ақлли, моҳир шифокор ҳеч қачон ҳамкасларига тайрлик қилмайди, улар – нинг обрўсига путур етказмайди. Бошқаларни менсимай, "ўзим биламан" деб даво қилмайди. Илмда ундан ҳам юқори зотлар борлигини унугмайди. Касбга садоқатли ва беморларга меҳр – шафқатли, илмли бўлган шифокор ҳар қандай дардга даво топа олади.

Мустақил Республикаиз истиқболи учун муносиб мутахассисларни тайёрлаш олий ўқув юртлари педагоглари зиммасига гоятда шарафли, юксак маъсулиятни юклайди. Бу маъсулиятни тўла хис қилган ҳолда талабаларни маънавий баркамол, ахлоқан гўзал қилиб тарбиялаш тўгрисида фаолият барчамизнинг бурчимиздир. Чунки биз бўлғуси шифокорларни – инсон саломатлиги посбонларини тарбиялаймиз.

Шифокор омма билан энг яқин ва узвий муносабатда бўладиган фаол жамоатчи ходимдир. Шунга кўра, бу ходим ўз сұхбатдошидан билим ва маданияти билан ажralиб туриши керак.

Бўлажак шифокорларни деонтологик жиҳатдан тарбиялаш борасида тиббиёт олий ўқув юртларида олиб борилаётган айрим тадбирлар диҳқатта сазовордир. Буларга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ёшларни "Талабаликка қабул қилиш", "Синов дафтарчасини тошириш", биринчи бор клиникага қадам қўйтган 3 – босқич талабалари учун "Клиникага йўл" тадбирини, талаблар илмий жамиятининг йиллик анжуманларини мунтазам ўтказиб борилиши, Ўзбекистон Республикаси қасамёдини битирувчилар томонидан якка – якка тарзда қабул қилиш, улар билан хайрлашув кечала – рини ўтказиш, ундан ташқари, турли оммавий – тарбиявий байрамлар:

"Хотин қизлар байрами", "Наврӯз", "Тил байрамлари"ни ўтказиш маросим – ларинин киритиш мумкин.

Биз педагоглар талабалар қалбида миллий ғурурни шакллантиришга, асрлар оғза таркиб топган гўзал хули намуналарини акс эттиришга ҳаракат қилимогимиз лозим. Талабаларни мутахассисликка оид китоблардан ташқари, адабиётта ҳам қизиқишлирага эришмогимиз даркор. Адабиётни яхши билган шифокор мулоқот санъатини яхши згаллайди, бемор билан осон тиллаша олади. Талабаларга адабий асар қаҳрамонларининг олийжаноб фазилатлари – дан ўрнак олишга даъват эттиришимиз керак. Талабалар мулоқот санъатини згаллашда буюк алломаларимиз: Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ар –

Розий, Абу Али ибн Сино каби буюк алломаларимизнинг ўгит, насиҳатла – ридан хабардор бўлишлари керак.

Яна талабаларга одоб – аҳлоқ, мавзусида рефератлар ёздириш мақсадга мувофиқдир. Маъруза ва амалий машгулот пайтларида талабаларни рўзнома ва ойномаларда: "Одобнома" рукни остида бериллаётган ахлоқ мавзусидаги мақолалар билан таништириб бориш лозим. Улар ўртасида "Ҳозирги ёш – ларнинг маънавий қиёфаси", "Аҳлоқий гўзаллик нима?", "Бўлгуси шифо – кор маънавияти" каби мавзуларда давра сұҳбатлари ва баҳс кечалари уюштириш керак. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши, шубҳасиз, талабаларда ахлоқий тарбиянинг шаклланишида муҳим аҳмият касб этади.

Шифокорлик касби ҳақида донолар айтади:

1. Шифокорнинг аввал кўзи шифоли,
Қолаверса, очиқ юзи шифоли.
Шифо учун дори – дармондан ҳам,
Икки оғиз ширин сўз шифоли.
2. Табибининг бағрида бир неча ҳислат,
Бўлмоги вожибdir, эй олий ҳиммат.
Насиҳат қилгучи бўлсин одамга,
Гуноҳин кечирсан, қўймасин ғамга.
Бачканा ҳазилу, кулгидан қочсин,
Қадри, эътибори кам бўлмай, ошсан.
Каттаю – кичикка бўлсин меҳрибон,
Сўзи тўғри бўлсин, ахлоқи омон.
3. Извогар бўлмасин, кибрдан қочсин,
4. Ширин сўзлар ила оғзини очсин.

Шифкордан минг марта яхши кайфият талаб қилинади, чунки, у инжик, ҳайсар хаста билан иш кўради.

Моҳир жарроҳда бургутнинг кўзи, шернинг юраги, аёлнинг қўли бўлиши керак.

7. Беш нарса шаҳарни безайди: голиб ҳоким, одил қози, обод бозор, моҳир шифокор ва азим дарё.

Шифокор доим хизматта тайёр туриши, тажрибали ва вижданан пок бўлиши зарур. Аммо у зинҳор ялқов ва очкўз бўлмасин.

Шифокорнинг шифо тополмай ожиз ҳолганини бемор асло сез – масин.

8. Нўноқ ёзувчи, чала рассом, истеъдодли артист бўлиши мумкин.
Аммо ёмон шифокор бўлиши асло мумкин эмас. Бу – жиноят.
9. Шифокорнинг бемор хузурида пайдо бўлиши, унинг биргина
ширин каломи беморни дардан тезроқ фориг бўлишига ёрдам беради.
10. Табибнинг юзи – касалнинг кўнглига маҳбуб, сўзи – bemorning
жонига маргуб, нафаси – дармонсиз, нимжонларга даво, қадами бемор –
ларга шифодир. Унинг кўриниши беморларга нажот бағишлади,
берган шарбати, дори – дармон оби – ҳаёт демакдир.